

НУҚТАИ НАЗАР

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – ХАЛҚ НАЗОРАТИ

Бошланғич 1-бетда

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ НИМА?

Парламентнинг қонун ва қарорларнинг қандай ижро этилаётганини назорат қилишга доир фаолияти парламент назорати институтида ўз ифодасини топади.

Парламент назорати давлат назоратининг бир тури ҳисобланади, у Олий Мажлис палаталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, айниқса, ҳукумат, ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қонунчилик нормаларини амалга оширишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар, суиистеъ-

парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришда депутатларнинг таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарурлиги муҳим аҳамият касб этади.

Парламент назоратининг муҳим шаклларида бири бўлган бюджет харажатларининг қонунийлиги устидан назорат борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириш кераклиги кун тартибда турган муҳим масалалардандир. Жойларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилган катта ҳажмдаги маблағларнинг тўғри ва самарали ишлати-

“Ҳеч кимга сир эмас, айрим мансабдор шахслар номаъқул хатти-ҳаракатлари билан жамиятда қизгин муҳокама, айрим ҳолларда эса кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятларда депутатларнинг бир чеккада томошабин бўлиб туришини бундан кейин халқимиз асло қабул қила олмайди”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



молликларни кузатиш, аниқлаш ва бар-тарф этишга ҳамда уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган ва махсус тартиб-таомиллар орқали амалга ошириладиган қонуний фаолиятдир.

Халқро амалиётга кўра, кўп ҳолларда ҳукуматнинг парламент олдида ҳисоб бериши Конституция ва қонунчиликда мустақкамлаб кўйилади. Парламент назоратини амалга ошириш ваколатига Олий Мажлисининг иккала палатаси ва уларнинг қўмита ва комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутат гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) эга.

Халқро парламентаризм ривож тақрибига кўра, парламент назорати ўзини хос шакл ва усулларда амалга оширилади. Мамлакатимизда бу амалиётни амалга оширишнинг асоси “Ўзбекистон Республикасининг Парламент назорати тўғрисида”ги қонундир. Қонунга мувофиқ, парламент назоратининг шакллари сирасига давлат бюджети ижросининг боришини назорат қилиш, парламент сўрови, парламент текшируви ва марказий идоралар раҳбарларининг ўзларига юқлатилган вазифаларни бажариши юзасидан ҳисоботларини эшитиш кабилар кирди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ НАТИЖА БЕРЯПТИМИ?

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги маърузасида ушбу масалага катта эътибор қаратиб, эришилган ютуқлар ва қилиниши керак бўлган масалаларни батафсил таҳлил этди. Жумладан, ўтган даврда парламент назоратининг янги шакл ва механизмларини яратиш борасида амалга оширилган ишлар натижаси сифатида Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби — “Ҳукумат соати” институти жорий этилганини, кейинги икки йилда 14 марта бу тадбирнинг ўтказилгани, 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига номзодларни қўйи палата мажлисида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилгани, ўтган қаҳриқда турли масалалар юзасидан 856 та депутатлик сўрови юборилгани давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Эътироф этиш зарурки, ушбу янгиликлар, ўз навбатида, мамлакат парламенти ва унинг назорат институти мураккаб ривожланиш йўлидан кетаётганидан далолатдир. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг парламент назорати борасидаги фаолиятини жамият ва давлат олдида турган мураккаб вазифаларга ҳамоҳанг тарзда ҳақидий такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд. Президентимиз ўз маърузасида бу масалани нақадар муҳимлигини таъкидлаб, ушбу институтининг ривожланиш йўналишларини кўрсатиб берди. Қонунчилик палатасининг

лишини назорат қилишда депутатлар иштирокини кучайтириш, ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни талон-тарож қилиш, коррупция ҳолатларини йўқотиш, бюджетдан сарфланган “Хар бир сум учун” Молия вазирлигининг жавобгарлигини, ҳисобдорлигини кучайтириш масаласи шулар сирасидан. Тегишли раҳбарлар ҳар бир ҳаражати учун депутатларга ҳисоб бериб, улардан хайкиб туришига эришиш сайловчиларнинг парламентга ишончини орттиришига хизмат қилиши шубҳасиз.

СЕНАТНИНГ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДАГИ ЎРНИ

Кейинги йилларда парламентнинг юқори палатаси бўлган Сенатнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли ошмоқда. Сенатнинг назорат функциясини амалга ошириш борасида ҳам ўзгаришлар, яъни ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини тинглаш ва ялли мажлисларида вилот ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилганини амалий натижа, дейиш мумкин.

Худудларда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини бўйича тегишли чора-тадбирлар ижроси юзасидан сенаторлар асосий ташаббускор бўлиб, маъсулиятни зиммаларига олишлари тақозо этилмоқда. Бу борада сенаторларнинг ваколатлари кучайтирилмоқда, яъни парламент назорати натижалари асосида фаолияти қонқарис деб топилган раҳбарларнинг лавозимида қилиш ёки қолмаслик масаласи бўйича Сенат ҳукумат олдида масала қўйиши ва таъсирчан чоралар кўриши, ҳатто ҳукумат аъзосини истеъфого чиқариш тўғрисида Президентга тақлиф қилиши тартиби жорий этилди.

Сенатнинг давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши борасидаги ваколатлари янада кенгайтирилиб, ажратилаётган маблағларнинг вазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, худудлар кесимидаги ижросини ўрнатиш асосий вазифаси бўлиши белгиланади. Шу мақсадда Сенатда ҳам қўйи палатадаги каби Бюджет бошқармаси сингари тузилма ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Шундай қилиб, парламент назорати халқ вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалдаги қонунлар, давлат дастурлари, ўз хизмат вазифа ва мажбуриятларини тўла ва тўғри амалга оширишларини кузатиш, назорат қилиш, бу борадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган махсус фаолиятдир. Бу тизим қонун устуворлигини, халқ ҳокимиятичилигини, фуқаролар манфаатини таъминлашга қаратилгани билан мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти ҳамда халқ фаровонлигига эришиш йўлидаги ҳаракатларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

“Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустақам устунлари бўлиши лозим ...”

ОДИЛЛИК МЕЗОНИ

ШАФФОФ ВА ОЧИҚ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Бошланғич 1-бетда

Президентимизнинг Олий Мажлиса Мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлигини ҳамда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судлов самардорлигини ошириш, коррупцияга барҳам бериш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоялашдаги ислохотларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Мурожаатномадаги: “... Давлат идоралари мансабдорлари шунинг учун аниқлаб олинган: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади.

Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳуқи сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Ақс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустақам устунлари бўлиши лозим ...” каби эътироф, билдирилган ишонч судьяларга катта руҳий мадад бўлди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар хусусида сўз борганда, аввало, ўтган уч йилда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини тинлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганига эътибор қаратиш лозим.

Хусусан, ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳужалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиши соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Иқтисодий ишларни биринчи инстанция судида кўрган судлар томонидан қайтадан яна апелляция инстанциясида қўрилишига барҳам берилиб, илк маротаба диверимизда тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини еқфолатли ҳимоя қилишга қаратилган ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди ташкил этилди.

Ислохотларнинг самараси натижа-сида “Бизнес юритиш — 2020” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғона юқори-



га, яъни 190 та мамлакат орасида ўтган йилги 76-ўриндан 69-ўринга кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг юқори кўрсаткичга эришган 20 давлат қаторига кирди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган 231-боб билан тўлдирилди. Соддалаштирилган иш юритиш тартибиде кўриб чиқиладиган иш бўйича ишни кўриб чиқиш мuddати даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 20 кундан ошмаган мuddатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган мuddат ўтгандан кейин, умумий қондалар бўйича эса ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан 1 ойдан ошмаган мuddатда кўриб чиқиши, кўриб чиқиладиган иш бўйича мuddати узайтирилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексда судга мажлис ўтказиш шартлари ва тартиби белгиланди ва “Судга мажлис” деб номланган 1631-модда билан тўлдирилди. Янги нормага кўра, ишда ишторик этувчи тарафлар ва бошқа манфаатдор шахслар судга мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлик фактини қайд этишни таъминлайдиган суд қаҳирву қозғолари, бюуртма хатлар, телепрограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинадиган бўлди.

Булardan ташқари, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш мақсадида иқтисодий суд ишларини юритишда судга мажлис ўтказиш тартиби белгиланди.

Иқтисодий процессуал кодексдаги 171-модданинг матни янги тахрирда баён қилиниб, эндиликда суд қутилмаган ва факулотда ҳолатларда ишни суд мажлисида кўриш мумкин бўлмаган тақдирдагина суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли эканлиги кўрсатилди.

Суд амалиёти таҳлили ҳар 100 та ҳолатдан 6 тасида суд муҳокамаси қолдирилатганини кўрсати. Бунда суд муҳокамасини қолдириш ҳолатларининг 50 фоизи тарафлардан бирининг суд мажлисига келмагани ва суд муҳокамасининг вақти ҳамда жойи тўғрисида ўша тараф тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тасдиқловчи далиллар бўлмагани сабабли юз бераётгани аниқланди.

Шу маънода, суд муҳокамаси уни кейинга қолдиришга асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган мuddатда кодексда суд муҳокамаси

учун назарда тутилган мuddат доирасида, бироқ кўпи билан ўн кунга қолдирилиши мумкинлиги, шунингдек, суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги кераклиги белгиланди.

Яқин ўтган йиллар фуқаролар билан мулоқот қилиш, уларнинг ташвишларига шерик бўлиш, бир сўз билан айтганда, фуқаро ва суд ўртасидаги мулоқотларни янги поғонага кўтариш даври бўлди. Статистик маълумотларга кўра, Олий суд раҳбарияти томонидан жойларда фуқароларнинг муаммоларини ўрнатиш бўйича ўтган сайёр қабулларда қатнашган фуқаролар сони 2018 йилда 6 679 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 15 447 тага етган.

Шу билан бирга, иқтисодий судларда 2019 йил давомида тадбиркорлар иштирокида 31 948 та иш қўрилган бўлиб, тадбиркорлар фойдасига 1,3 триллион сум ундирилганлиги тадбиркорлик субъектларининг судга бўлган ишончи ошаётганидан, бир сўз билан айтганда, суд муҳокамаларида ошқоралик ва шаффофлик таъминланаётганидан, иқтисодий низоларни кўриб чиқишда тадбиркорлик фаолияти устуворлигига эришилаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу каби ислохотлар, энг аввало, олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларга қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, суд муҳокамаси иштирокчиларига, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, уларнинг сарф-ҳаражати ва вақтини тежаш, судлар фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, судда иш юритиш соддалаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, судлар фаолиятида замонвий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадларига йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Айниқса, суд бирор-бир мансабдор шахсининг қўли етадиган идорага айлана қўлишига йўл қўймаслик учун, энг аввало, биз собитқадамлик билан мурасасиз бўлишимиз керак.

Бунда судьялик қасамёдига ҳар дақиқа ва ҳар қадамда содиқ қўлишимиз, бор куч-ғайратимизни Мурожаатномада белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, халқимизнинг суд идораларидан рози бўлишига эришиш йўлида сарфлашимиз талаб этилади.

МОЛИЯ

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ – ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бошланғич 1-бетда

Президентимиз Олий Мажлиса Мурожаатномасида ҳам бу масалани атрофлича таҳлил қилди. Жумладан, давлат томонидан 37 турдаги махсуслот ва хизмат нархининг тартиб солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир этаётганини таъкидлади. Шунинг билан, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки қорхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатини оширишга қаратишимиз кераклигига алоҳида тўхталиб ўтди.

2019 йилда мамлакатимизда инфляция даражаси 15,2 фоизни ташкил этган. Бу аввалдан қутулган, банклар, бошқа молия муассасалари прогнози қилган ҳолат бўлса-да, мақтанарли кўрсаткич эмас. Аммо замонавий иқтисодиёт нуктаи назаридан истиқболда ривожланган давлатлар каторидан жой олиш, юртимизга инвестициялар оқимини кучайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун вақтинчалик салбий оқибатларга тайёр турган ҳолда юқоридаги ислохотларни амалга оширишдан ўзга чорамиз ҳам йўқ.

Шу ўринда инфляциянинг салбий оқибатлари нималардан иборат эканига тўхталиб ўтиш лозим. Пул қадрсизлигини нисбатан юқори бўлган шароитда давлат бюджетига тақчиллик юзага келиши, истеъмол товарлари ўсиши ҳисобига аҳоли

ҳаражатлари ортиб, солиқлар йиғилувчанлигини пасайтириши ва бошқа оқибатлар кузатилиши мумкин.

Натижада ўз-ўзидан бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида қарз олиш, пул эмиссияси (янада кўпроқ пул ишлаб чиқариш) каби чоралар қўлланалишига тўғри келади. Мазкур ҳолатда ноинфляция йўлдан борилгандагина инфляциянинг янада ошиб кетиши олди олинади.

Юртимизда инфляцияга сабаб бўлаётган омиллар сифатида, биринчи навбатда, ташқи савдо балансидаги манфий кўрсаткич, яъни импорт товарлари ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан кескин юқорилиги яққол кўзга ташланади. Масалан, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилда импорт экспортга нисбатан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорига кўп бўлган. Бундай шароитда инфляция даражаси юқори бўлиши табиий. Экспорт таркибиде олтин 27,5 фоиз, энергия манбалари 14,1 фоиз улушга эгаллиги экспорт қилинадиган тайёр махсуслотлар турлари анча камлигини кўрсатади. Ўз навбатида, ҳомашё экспорти тайёр махсуслот импорти ва истеъмол ошмишига оқибат келади. Чунки истеъмол товарлари импорти кўндаллик ҳаражатлар нуктаи назаридан, истаимизми-йўқми, ошиб бораверади.

Юқоридагилар ҳисобга олиниб, 2019 йил 18 ноябрда Президентимизнинг

“Инфляцияни таргетлаш режимига бошқичма-бошқич ўтиш орқали пул-кредит сис-тематыни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, жорий йилдан юртимизда инфляция таргетлаш режими жорий этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад 2020 йилда инфляция даражасини 10 фоизга, 2023 йилдан эса 5 фоизга туширишидир.

Фармонда инфляцияни жиловлаш бўйича қўйилган мақсадга эришиш ҳамда макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк томонидан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаражатлар белгилаб берилди. Молия вазирлигига тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тартибга солинадиган нархлар ва тарифларни белгилаш, инфляцияга таъсирини ҳисобга олган ҳолда айрим товарлар бўйича нархларни эркинлаштириш, давлат бюджети тақчиллигини камайтириш бориш, бюджет-солиқ сис-тема ва пул кредит сис-тематы ўзаро мувофиқлаштириш каби вазифалар юқлатилди.

Шу билан бирга, илмий ҳулосалар, халқаро тажриба ва юқорида санаб ўтилганлардан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда республикаимизда макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида инфляцияни жиловлаш билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ бартараф этиш керак. Бунда инвестицион таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида инфляцияни жиловлаш билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобат шароитида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтиш лозим. Маҳаллийлаштириш дастурлари бўйича лойиҳалар амалга оширилишини эса кескин қисқартириб бориш шарт. Чунки махсуслотларнинг 2-3 йил давомида ўзлаштирилиши муайян ҳолатларда рақобатчи хорижий компанияларнинг сифат жиҳатдан ўша турдаги янги махсуслоти билан рақобатлаша олмаётди. Натижада рақобатчи компаниялар махсуслоти импорти давом этмоқда. Экспортга йўналтирилган ишлаб


чиқариш эса тўғридан-тўғри глобал рақобатни тақозо этади.

Учинчидан, иқтисодиётнинг давлат сектори ва хусусий сектор ўртасида соғлом рақобатга ўтиш керак. Бунда, аввало, давлат иштирокидаги ҳужалик субъектлари ва хусусий сектордаги субъектларнинг кредит маблағларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий фаолият билан шўғулланиш, солиқ тўлаш кабиларда бир хил, ўзаро тенг шароитда фаолият юритиш тартиби жорий этилиши лозим. Бунинг самараси ўлароқ, хусусий сектор тараққиётига эришилса, самарасиз ҳисобланган давлат тадбиркорлиги ўз-ўзидан четга чиқади. Натижада эса хусусий сектор истеъмолчи талабга мослашган ҳолда ички ишлаб чиқариш ривожланган ҳолда макроиқтисодий ўсиш таъминланади.

Тўртинчидан, давлат иштирокидаги қорхоналарда ҳаражатлар билан боғлиқ ҳисоботларнинг тўлиқ очик эълон қилинишига ўтиш ҳам инфляцияга муайян даражада таъсир кўрсатади. Бунда улар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатилмаган хизматлар нархлари асосиз ўсишининг олди олинади. Умуман, халқаро амалиёт аҳоли бандлиги, илм-фан ривожини ва инновациялар тараққиётини, мамлакат иқтисодий салохиятини ошириш кабилар хусусий сектор орқали таъминланишини кўрсатиб турган бир вақтда мамлакатимизда хусусийлаштириш амалиётларини ҳам кучайтириш, давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш талаб этилади.

Бешинчидан, 2020 йил 1 январдан 16 фоизли қайта молиялаш ставкасидадан паст имтиёзли кредитлаш амалиёти тўхтатилган бир вақтда, бизнесни молиялаштиришнинг бошқа имкониятларидан ҳам мақсимал фойдаланиш лозим. Ўтган давр мобайнида ажратилган қатор имтиёзли кредитлар ҳам инфляция даражаси ошиши сабабларидан бири сифатида намоён бўлди. Шу боис иқтисодиётнинг пул маблағларига бўлган талабини фақат кредитлар воситасида эмас, қўмитали қозғолар воситасида ҳам қаноатлантириш лозим бўлади. Мазкур амалиёт, бир томондан, инфляция даражасини пасайтирса, иккинчи томондан, тижорат банклари рақобатчи сифатида фонд бозори ҳам ривожланишига хизмат қилади. Энг асосийси — ўзаро рақобат ҳисобига бизнес субъектлари томонидан жалб қилинадиган капиталнинг арзонлашишига олиб келади.


Президентимиз Олий Мажлиса Мурожаатномасида юқоридагиларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, бу борада амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Бу йўлдан оғишмай қадам ташлаш истиқболда иқтисодиётимизни барқарор ва шиддатли ривожлантириш, инфляция яражасини кескин пасайтиришга асос яратди.



АФВ

Абдугофур АХМЕДОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасидаги “Мамлакатимизда “Жаҳолатга қарши — маърифат” деган эзгу гоя асосида Ислам динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади”, деган сўзлари диний соҳа вакиллари учун ўзига хос дастуриламал бўлди.



ИНСОН ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳозирги кунда ёшларни тўғри йўлдан адаштиришга, уларни ўзларининг пуч гоилари билан захарлашга уринаётган кучлар йўқ эмас. Ачинарлиси, шундай мафкуравий хуружлар туфайли айримлар ўзи тугилиб ўсган юртга, ота-онасига хиёнат қилиб, инсонийлик фитратидан буткул чиқиб қўлапти. Бундай мураккаб жараёнда ёшларимизда фикрга қарши фикр, гояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тўғрисидаги шакллантириш ҳар қачонгидан-да, муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этиши алоҳида таъкидлангани Ўзбекистонда бу борадаги сиёсат тўғрисида олиб борилаётганини яққол далилдир.

Давлатимиз раҳбари ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этилиши, улуғ муҳаддис Бобомизининг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуаси бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги юксак мақомига мос равишда, мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо қилиниши, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг 700 йиллик таваллуд айёми юқори савияда ўтказилишини алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, улуғ аждодларимиз қолдирган, ҳозир дунёни ҳайратга солаётган бой илмий меросни ўрганиш, чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига кирди. Шу мақсадда сўнгги йилларда юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган илмий-тадқиқот марказларида бу борада жадал ишлар олиб борилапти.

Аждодларимиз илмий-маънавий меросига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманлар улар битган ёзма манбаларни тадқиқ қилиш, соҳада эришилган илмий янгиликлар, турли маърифий марказлар, жумладан, халқаро илмий муассасалардаги изланишлар натижасини бир жойда жамлаш, мувофиқлаштириш, жаҳон миқёсида жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашиш учун яхши имконият яратди.

Мурожаатномада “Сизларга маълумки, кейинги йилларда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога йўл қўйганларни соғлом ҳаётга қайтариш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам экстремистик йўлларга кириб қолган, чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади”, деб таъкидланди.

Ҳақиқатан турли ножиоз йўлларга кириб қолган, бугунги кунда ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарган фуқаролар ҳам давлатимизнинг эътиборидан четда қолмапти. Уларга нисбатан афв қўлланиб, оиласи ва жамият олдидаги маънавий қарзини узиш учун имконият берилмоқда.

Кейинги уч йилда юртимизда 9 марта афв эълон қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ муассасаларидан озод этилгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик, кечиримлилик ва олижанобликнинг яққол амалий ифодасидир.

Афв этилганларга давлатимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилапти. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашиши, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун зарур шароит яратилмоқда, бошлана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфти ҳазратлари билан республикамизнинг барча ҳудудини айланиб чиқдик. Юртдошларимиз билан учрашиб, очик мулоқот қилдик. Жумладан, тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога йўл қўйганлар билан суҳбатлашдик. Улар ўзларига қаратилган эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдор эканини изҳор этди. Бунинг учун Президентимизга алоҳида ташаққурлар айтиди.

Бу ҳам юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати-га энг олий қадрият сифатида қаралаётгани, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёс-ли ислохотлар амалий натижалар бераётганини кўрсатади.

ҚАРОР ВА ШАРҲ

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Ўтган йили мамлакатимизда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қучга кирди. Жорий йилнинг 4 январида Вазирлар Маҳкамаси ушбу қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган “Хотин-қизларни тазийк ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарор билан “Тазийк ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Тазийк ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш” дастуридан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар ҳам тасдиқланди.



АЁЛ ШИКОЯТ ҚИЛМАСА ЁКИ ШАШТИДАН ҚАЙТСА-ЧИ?

Андишали халқимиз, ўзбек аёлларининг ҳаммаси ҳам уйдан, эридан шикоят қилиб ички ишлар органларига бормапти. Ёки аввал мурожаат қилади-ю, ҳимоя ордерини расмийлаштирилгач, аризани қайтариб олади. Баъзиларнинг эри шундай қилишга мажбур бўлади. Ана шундай ҳолатларда бу ордер аёлни қай тарзда ҳимоя қила олади?

— Аёл шикоят қилмаса ёки мурожаатини қайтариб олса, зўравонга нисбатан тегишли чоралар қўриш имконияти қолмайди, — дейди Г.Маткаримова. — Биз учун бу ҳужжат янгиликдир. Шунинг учун кескин чоралар қўлланилиши кўзда тутилмаган. Европа қонунчилигида тажовузкор, яъни зўравонликка мойил шахс бирор ноҳўй ҳаракат қилса, уйдан чиқариб юборилади. Ҳатто эр билан хотиннинг бир-биридан неча метр узоқда бўлишига-ча белгилаб қўйилган. Бизда эса зўравон эр аёлга азият етказгани камдек, кўчага ҳам ҳайдаб юборади.

ОРДЕРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

Ҳимоя ордерини 5 кундан 30 кунгача бўлган муддатга берилди. Агар ушбу муддат ичида таҳдид бартараф этилмаса, унинг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра, яна бир ойгача узайтирилади. Ана шундай ҳолатда “Тузатиш дастури” қўллаб қўрилади. Шундан кейин ҳам зўравон эр эски одатини тарқ қилмаса, маъмурий жавобгарликка тортилди. Бу ҳолат яна давом этадиган бўлса, жиноий жавобгарлик қўлланилади.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ НИМА?

— Ҳимоя ордерини аёлга нисбатан зўравонлик аломатлари аниқлангач, жабрланувчининг муайян муддат зўравонлардан ҳимоя қилиб турувчи ҳужжатдир, — дейди Тошкент шаҳар реабилитация ва мослаштириш маркази раҳбари Гулҳеҳра Маткаримова. — Бу ҳужжат зўравонлик содир этган шахснинг жабрланувчиси билан алоқасини (иш жойлари ва таълим муассасаларида уларнинг билвосита алоқасига йўл қўйиладими), шунингдек, уларнинг бир хонада бирига бўлиши ҳамда зўравонлик содир этган шахснинг қурол (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш, олиб юриш ва уни харид қилиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини чеклайди ёхуд таъқиқлайди. Бундан ташқари, ордер тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига маънавий зиённи қўллаш, аёлнинг даволаниш, маслаҳат олиш, махсус марказга жойлаштириш учун харажатларини тўлаш мажбуриятини ҳам юклайди. Жабрланувчи мурожаати, жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар, тазийк, зўравонлик содир этиш ёки уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли орган ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар ҳимоя ордерини олиш учун асос бўлади.

РАСМИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

Тазийк ва зўравонлик қурбонлари тўғрисидаги ахборот ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига келиб тушганидан сўнг дарҳол тегишли профилактика инспекторига хабар йўланади. Нозир келиб тушган мурожаат ёки ахборотни 24 соат ичида ўрганиши, зўравонлик содир этган шахс билан суҳбатлашиши, унинг турмуш тарзи, ҳуқуқ-бузарлиқнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиши, жабрланувчини ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириши шарт.

Профилактика нозирини тазийк ёки зўравонлик ҳолатини аниқласа, ҳимоя ордерини расмийлаштирилади, жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи бошқа органларни хабардор этади. Агар зўравонлик ҳолати аниқланмаса, фуқаролар йўғини раиси, хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси иштирокида бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади. Урганиш чоғида жиноят белгилари аниқланган тақдирда инспектор ҳимоя ордерини бериш масаласини қўриб чиқиб, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Меҳнат мигрантлари ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ

Меҳнат миграцияси деган тушунча бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Инсоният яралибдики, ширин таомлар ейишни, чиройли кийинишни, бошқача айтганда, яхши яшашни истайди, шу йўлда меҳнат қилади. Бунинг учун эса кўп пул топиши керак. Шу боис, у бой мамлакатларга, ишига кўп ҳақ тўланадиган жойларга йўл олади. Бир вақтлар европаликлар Шимолий ва Жанубий Америкага кетган. Айни пайтда африкаликлар Европага интилмоқда. Ҳиндистон, Покистон ва Жанубий Осиёнинг бошқа мамлакатлари аҳолиси араб мамлакатларида меҳнат қилмоқда. Хуллас, меҳнат миграцияси аввалдан бор эди ва кейин ҳам бўлади.

Шуни унутмаслик лозимки, меҳнат мигрантлари мамлакат иқтисоди тикланишига яхшигина ҳисса қўшган. Айни пайтда ҳам улар юртимиз хазинасини бойитишга сезиларли ёрдам бермоқда. Энг афсусланарлиси шундаки, мамлакатга миллиардлаб доллар пул олиб келган мигрантларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинмади. Кейинги уч йилда уларга муносабат кескин ўзгарди. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев хорижда ишлаётган фуқароларимизга ҳар томонлама ёрдам бериш чораларини кўрмоқда. Шахсан Президент ташаббуси билан чет мамлакатлардаги дипломатларимиз меҳнат муҳожириларимиз ҳимояси



НОРАСМИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ИШОНАДИГАН БЎЛСАК, АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК 3 МИЛЛИОН НАФАРДАН КЎПРОҚ ФУҚАРОНИНГ 80 ФОИЗИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА, 15 ФОИЗИ ҚОЗОҒИСТОНДА, 5 ФОИЗИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ТУРКИЯ, БАА, АҚШ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.

Жаҳон меҳнат ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёдаги ишга яроқли аҳолининг 165 миллион нафардан кўпрогини ёки салкам 5 фойзини меҳнат мигрантлари ташкил этади. Уларнинг асосий қисми юқори ва ўртачадан юқори маош тўланадиган мамлакатларда меҳнат қилади. 61 фойиз меҳнат мигрантлари уч ҳудуддан — 23 фойизи Шимолий Америкадан, 23,9 фойизи Европадан, 13,9 фойизи араб мамлакатларидан иш топади.

Меҳнат мигрантлари ҳақида гапирганда, масаланинг яна бошқа жиҳати борасида дўппини бошдан олиб, ўйлаб кўриш шарт. Аввало, хорижга иш излаб кетган айрим юртдошларимиз турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолди. Уларнинг баъзилари бугун Сурия, Афғонистон, Покистон, Ироқ каби мамлакатларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Меҳнат миграциясининг иккинчи салбий жиҳати — юртдошларимиз хориждан турли юқумли касалликларни юқтириб келмоқда. Айримлари эса йиллаб уйига қайтмапти. Натижада оилалари бузилиб, болалар етимга айланмоқда. Энг дахшатлиси, айрим виждонсиз кимсалар ишга жойлаштириш баҳонасида аёлларни фоҳишалikka жўнатиш ва бунинг орқасидан пул ишлаш билан шуғулланмоқда. Фақат хотин-қизларни эмас, эркакларни ҳам қўлиб сотиб юбориш ҳоллари ҳамон учраб турганини афсус билан қайд этиш мумкин.

Биргина ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Владивосток, Ростов-Дон, Қозғистоннинг Олмаота ва Оқтов шаҳарларида Ўзбекистоннинг бош консулхоналари ўз ишини бошлади.

Яқин хориж мамлакатларида ҳалок бўлган юртдошларимизни мамлакатга олиб келиш, уларнинг оилаларига ёрдам бериш йўлга қўйилди.

2019 йилнинг 20 август кунини Президентимиз томонидан имзоланган “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармо-

ни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу оғрикли муаммони ҳал этиш йўлидаги яна бир улкан қадам бўлди. Жорий йилнинг 10 январь кунини Президентимизнинг юқорида тилга олинган фармонига ўзгартиш киритилди. Унга асосан, Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти қайта ташкил этилиб,

унга қатор қўшимча вазифалар юкланди. Меҳнат мигрантларини жўнаб кетишдан олдин касбий тайёргарликдан ўтказиш, ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қайтиб келгандан кейин ишга жойлаштириш департаментининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали хорижга ишга кетмоқчи бўлганлар махсус маслаҳат марказида тиббий кўрикдан ўтказилади. Марказга қабул қилинган фуқаролар 7 кун давомида ўзлари кетаётган давлатнинг тили, маданияти, тарихи ва қонунчилигидан сабоқ олади.

Меҳнат мигрантларига кредитлар, микроқарзлар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини сугурталаш

бўйича сугурта мукофотини қўллаш мақсадида субсидиялар берилиши ҳам йўлга қўйилди.

Яна бир гап. Меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларининг ижроси доирасида кўп квартиралар уйлари 3462 та хонадон ажратилади. Бундан ташқари, эндиликда хорижга кетаётган меҳнат муҳожириларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларини тўлаш учун микроқарзлар берилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қарз бир кун ичида, паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси асосида 2019-2020 йилларда 10 фойиз, 2021 йилда 12 фойиз ставкада 2 миллион сўм миқдорда берилди.

Ўзбекистон аҳолиси қарийб 34 миллион нафарга етди. Бу бутун Марказий Осиё аҳолисининг ярми дегани. Бугун юртимизда катта ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, тез орада барча аҳолини тўла иш билан таъминлаш имкони камроқ. Бундан ташқари, ҳар йили 700 минг нафарга яқин йигит-қиз мактаб ва олий ўқув юртиларини битирапти. Шундай экан, республикада саноят, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобига қўллаб-қувватлаш йўлини яратган ҳолда ҳам ортиқча ишчи кучи сақланиб қолади.

Юқоридаги далиллардан кўришиб турибдики, бизга хорижий меҳнат бозорлари керак. Ўзбекистонда ортиқча ишчи кучи бор бўлгани ҳолда, дейлик, Россияда меҳнат мигрантларига талаб ортиб бормоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, 2025 йилда бу мамлакатда 7 миллион иш ўрни бўшаб қолади. Шу бўш иш ўринларининг муайян қисмини ҳамюртларимиз тўлдирishi мумкин. Лекин улар икки мамлакат ўртасида тузилган шартномалар асосида ишга жойлашиши керак. Шунда ким қерда ишлаётгани, нима иш билан бандлигини била-миз, энг муҳими, уларни тўла ҳимоя қила оламиз.

ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

Баҳром АШРАФХОНОВ, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директори

Пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим қисми бўлиб, у асосан, кекса ёшдагилар, кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий характерга эга комплекс дастурдир.

Ушбу тизим 3,6 миллиондан кўпроқ фуқарони ёки мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 11 фоизини қамраб олади. Шундан ёшга доир пенсия олувчилар 2 750 минг нафарни, ногиронлик пенсияси олувчилар 382,6 минг нафарни, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олуви оилалар 180,6 минг нафарни ва нафақа олувчилар 363,6 минг нафарни ташкил этади.

Бугунги кунда Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тайинлаш, тўлиқ миқдорда молиялаштириш, туловлар устидан мониторинг ўтказиш, пенсия таъминотида йўналтирилган маблағларнинг мақсадлилиги юзасидан назоратни кўчатириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимизда Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотларини жалб этган ҳолда 2020 йил 1 апрелга қадар 2030 йилгача пенсия тизимини ислох қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Амалдаги пенсия таъминоти тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди, фуқароларни кексайган ёшда, меҳнат қобилиятини ҳамда боқувчисини йўқотганда ижтимоий ҳимояси учун максимал даражадаги мақбул шарт-шароитларни таъминлай олмайди.

Шу билан бирга, Пенсия жамғармасининг ҳаражатлари ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. 2013 йилдан 2020 йилгача Ўзбекистондаги пенсия ва нафақа олувчилар сони 2,2 баравар ёки 641 минг кишига ошди. Биргина 2019 йилда уларнинг сони 192 минг кишига кўпайди. Бундан расман иш билан банд аҳоли 5,4 миллион киши бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг 36,5 фоизини ташкил этмоқда.

Президентимиз Олий Мажлиси Мурожаатномасида фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилиши вазифасини кўйди. Албатта, бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Бу борада Пенсия жамғармаси то-



МАЗКУР КОНЦЕПЦИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ҚАНДАЙ ЗАРУРИЯТ БОР ЭДИ?

Тан олиш керакки, бугун фуқароларнинг ижтимоий сугурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб, аммо шаффоф эмас. Республика буйича жами меҳнат ресурслари 19,0 миллион кишини (аҳоли сонига нисбатан 56 фоиз) ташкил этса, меҳнатга лаёқатли аҳоли 14,8 миллион киши (ёки 43,7 фоиз)дир, шундан 5,4 миллион киши ҳисобидан жамғармага ажратмалар ўтказилиб келинмоқда. Тахминан 9,4 миллион киши давлат ижтимоий сугуртаси билан қамраб олинмаган. Яъни улар Пенсия жамғармасига ижтимоий ажратмаларни амалга оширмапти. Халқаро меҳнат ташкилоти талабларига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими барқарор ривожланиши учун бадал туловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1:4 даражада бўлиши керак. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1:1,6 га тенг.

Шунингдек, пенсия миқдори ва меҳнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам сезиларсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди. Ушбу ҳуқуқ факатгина 7 йил ишлаб, ўзининг бутун меҳнатга лаёқатлилиги даври учун Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда энг кам ҳисса қўшган шахсларга пенсия олиши имконини беради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг "Ижтимоий таъминотнинг минимал

меъёрлари тўғрисида"ги 102-конвенциясига мувофиқ, ёшга доир пенсияни тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам иш стажига 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўпгина давлатлари, шу жумладан, МДХ давлатларида талаб этилган энг кам иш стажига 10 - 15 йил даражасига етказилган.

Масалан, ушбу кўрсаткич Беларусда 17 йилни, Молдова, Украина, Литва, Латвия ва Эстонияда 15 йилни, Озарбай-

жонда 12 йилни, Россия, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда эса 10 йилни ташкил этади.

Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талаб мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий сугуртасидаги иштирокига салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ҳозир 30 йил иш стажига (талаб этилган - 25 йил) эга бўлган эркак кишининг пенсия миқдори билан 10 йиллик иш стажига эга бўлган талаб этилган - 7 йил) эркак кишининг пенсия миқдори ўртасидаги фарқ тахминан 200 минг сўмдан иборат.

Булнинг барчаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг пенсия таъминоти соҳасига оид асосий ёндашувларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

НИМАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?

Янги концепция лойиҳасида пенсия бадалларини тўлашда аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун ўз даражасидаги таъминоти тизимига ўтилиши кўриб чиқилмоқда. Бунда, биринчи даражада энг кам миқдордаги давлат пенсияси туланади. Иккинчи даражада эса Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фуқаролар ҳисобланган ҳолда иш ҳақидан муйян суммадаги ажратмалар асосида фуқароларнинг шахсий ҳисоб варағида жамланган пенсияни тўлаш мўлжалланапти. Учинчи даражада фуқаролар томонидан жамғариб бериладиган тизимга ихтиёрий равишда бадаллар ўтказилади.

Шу билан бирга, давлат пенсия тизимини ислох қилишга доир концепция лойиҳасида ҳодимнинг пенсияси ва меҳнат стажигаги тафовут рағбатлантирилиши назарда тутилмоқда.

Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтларидан биридир. Унинг самарали фаолият юритиши мамлакатимизнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига беvosита таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан концепцияда қўзда тутилган ислохотлар муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия ҳар бир инсон ҳаётига беvosита боғлиқ бўлгани учун бу масала алоҳида эътиборда. Шу боис пенсияга оид концепция лойиҳаси буйича билдирилмаётган ҳар бир фикр қимматли. Уни синчиқлаб ўрганган ҳолда тақлиф билдириш келгусида пенсия таъминоти тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ИСЛОҲОТ

Озод РАЖАБОВ, "Ўзпахтасаноат" АЖ матбуот котиби

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай давлатдаги ислохотлар истиқболли аёлларга яратилаётган қулай шароитлар ва улар бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар натижасига қараб баҳолашни сир эмас.

ИШ ЖОЙИ БЎЛСА ЯҚИН, КЎНГЛИ ТОПАДИ ТАСКИН

Шу маънода, "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти иштирокида жойларда ташкил этилаётган тикув-трикотаж мажмуалари чекка ҳудудларда яшайдиган опа-сингилларимиз учун ўйи, фарзандининг боғча-мактабига яқин жойда меҳнат қилиш имконини яратиб бераётгани билан аҳамиятлидир. Монолоридан мерос чеварлик хунари орқали оила бюджетини мустақамлашга кўмаклашиш истаги эса, ўз навбатида, фаровон турмушга интилишни кучайтирапти.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган товарлар ҳамми ва тури тобора кенгаймоқда. Бунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш ва замонавий кластерларни жорий қилиш амалиёти алоҳида аҳамият касб этади.

Кези келганда, бир неча йиллар олдин ўз маҳалласида тайинли иш топа олмаган хотин-қизларнинг ўзга юртларга чиқишга мажбур бўлганини, бугун эса ана шундай аёллар яқинларидан узоқлашмаган ҳолда тикувчилик мажмуаларида даромад топангидан хурсанд эканини ҳам эътироф этиш жоиз.

Ҳозир ҳудудларда тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар изчил давом эттирилмоқда. Юқорида тилга олинган қарор икросини сўзсиз таъминлаш мақсадида 2020-2021 йилларда ҳудудларда янги тикув-трикотаж мажмуалари ташкил этиладиган жойларнинг аниқ жадвали мамлакатимиздаги ҳар бир туман қосимида тасдиқланган, 2020 йилда жами 107 та, 2021 йилда эса умумий ҳисобда 89 та комплексни барпо этиш орқали яна 48 мингга яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Бундай мажмуаларга тикувчиларни



Акциядорлик жамияти фаолиятини янги ислохотлар шиддатига мослаштириш, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун қулай меҳнат муносабатларини шакллантиришда Президентимизнинг 2019 йил 28 майдаги "Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим ўрин тутмоқда. Унга қара, 2019-2021 йилларда жами 271 та тикув-трикотаж мажмуаси ташкил этиш орқали хотин-қизлар учун 81 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Илгор хорижий давлатлар тажрибаси ва инновацион технологиялар асосида ушбу мажмуаларнинг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва амалга оширилаётгани бу борадаги фаолият самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда режадаги 78 та мажмуа ўрнига амалда 111 та тикувчилик комплекси барпо этилгани фикримиз исботдир. Уларнинг ишга туширилиши натижасида 35 минг нафарга яқин хотин-қиз доимий даромад манбаига эга бўлди.

Қурилишга замонавий ёндашув турфаили энгил конструкцияли материаллардан фойдаланиб, қисқа муддатларда бунёд этилган ҳар бир мажмуада йилгача ўртача 3,6 миллион донга таёёр тикув-трикотаж маҳсулот ишлаб чиқаришга қўриқмоқда. Ҳозир ана шу маҳсулотларнинг 30 фоизи экспортга йўналтирилаётган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич 80 фоизга етказилади.

Мажмуалар учун муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд, биринчи гагда, "Обод қишлоқ" дастурига киритилган аҳоли пунктларидан ер майдонлари ажратилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида қайси ҳудудга таширф буюрмасин, ўша ерда хотин-қизларга яратилаётган шароитлар ва улар бандлигини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишларни кўришга вақт ажратади. Бундай танишувларнинг географияси ниҳоятда кенг. Мамлакатимизнинг шимоллий нуқтаси бўлмиш Мўйноқ тумани бўладими, кўп йиллар эътибордан четда қолган Мирзачўл тумани бўладими — тикув-трикотаж мажмуаларидаги самимий сўхбатлар ишчи-ҳодимларга ҳар томонлама қўқувват бағишлаб, уларнинг руҳиятини кўтармоқда.

Бундай мулоқотларда "Ўзбекистондаги ислохотларга қимтин шубҳаси бўлса, Мўйноққа келсин, Мирзачўлга келсин" каби мазмундаги гаплар янграётганининг ўзи ҳам амалий ишларнинг натижаси ҳусусида ёрқин тасаввур уйғотади. Тикув-трикотаж мажмуалари очилаётганининг энг муҳим самараси бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар нигоҳида яқол акс этиб туради.

тайдирлаш, малакасини ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўқув курслари ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режалаштирилган ва мақсадли ёндашув асосида амалга оширилади. Жойларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳаси бўйича кадрлар руҳияти шакллантирилган.

Мазкур жараёнда ижтимоий жиҳатдан эҳтиётсиз аҳоли қатламларига мансуб шахсларни қвоталанган энг кам сондан ортқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда ҳақ тўлаш тартиби қўлланилмоқда.


Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти томонидан тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун, истисно тариқасида, фойдаланилаётган ва бўш турган давлат мўлки объектларининг "ноль" ҳарид қийматида берилишини таъминлаш чораларини кўраётганини қайд этиш зарур.

Ҳар бир лойиҳа инновацион гоя, креатив ёндашув орқали юзага келади ва қатъий хожиш-истак, астойдил ҳаракат орқали амалга оширилади. 2019-2021 йилларда республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш лойиҳаси ҳусусида ҳам муносиб ҳисса қўшади, элу юртнинг фахрига айланадиган фарзандлар тарбиялайди.

Ҳар қандай сиёсатнинг ҳақиқий мазмун-моҳияти, том маънодаги аҳамияти худди шу нуқтада бирлашади аслида. Пировард натижаси эса оддий нигоҳларда, мамун чехраларда акс этади.

Хулоса шуки, юртимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлиги, иқтисодий тармоқларидаги янгиланишлар, туёғу ўзгаришларнинг стратегик тамойилларини чуқур ўрганиш ва Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият оқилади.

ТАЪЛИМ



Соҳиба МУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги баёни билан қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшларга ўқишни юртимиз олий таълим муассасаларига кўчириш бўйича аризалар топширишга рухсат берилди.

ИЛК БОР ВА ИМТИҲОНСИЗ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШЛАР ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЎҚИШНИ ЮРТИМИЗДА ДАВОМ ЭТТИРИШИ МУМКИН

ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ

— Одатда қўшни ёки чет давлат ОТМларидаги ўқишни ўзимизнинг университетларга кўчириш бўйича аризалар ёзда 15 июлдан 5 августгача, қишда эса 20 декабрдан 20 январгача қабул қилинар, жараён имтиҳон асосида кечар эди, — деди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот котиби Фарҳод Бабаев. — Бу йил эса талабаларга илк мартаба ўқишни имтиҳонсиз кўчириш имконияти берилмоқда. Ариза топширишда таълим йўналиши борасида ҳеч қандай чеклов йўқ. Айрим ҳолларда талабанинги ўзи эмас, унинг яқин қариндошлари ҳужжат топширмоқчи бўлади. Аммо тартиб

буйича аризани талабгорнинг ўзи ёзда ва ҳудудий ишчи гуруҳга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: • ариза (жойида тўлдирилади); • рейтинг дафтари ҳақидаги академик маълумотнома нусхаси; • паспорт нусхаси.

НОДАВЛАТ ОТМ ТАЛАБАСИ НИМА ҚИЛАДИ?

Қўшни давлатлардаги давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишни юртимизга кўчириш борасидаги ҳуқуқи бир хил. Фақат ўша таъ-

лим ташкилоти ўз давлатида олий таълим муассасаси сифатида давлат акредитациясидан ўтган бўлиши лозим. Яна бир қувонарли жиҳати — сиртки ва кечки таълимда таҳсил олаётганлар, қайси босқичда ўқиётган бўлишига қарамай, ариза бериш имкониятига эга. Унутмаслик керакки, қўшни давлат ОТМларида бюджет ёки тўлов-шартнома асосида ўқишдан қатъи назар, талаба Ўзбекистонда ўқишни фақат шартнома асосида давом эттиради. Агар талабгор бюджетда ўқишни хоҳласа, ёзда бўладиган ўқишни кўчириш бўйича имтиҳонда қатнашиб, омадини синая кўриши мумкин.

ҲУЖЖАТЛАРНИ САРАЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Энг аввало, ҳужжатларнинг тўлиқлиги қаралади. Қолаверса, талаба ҳақиқатан ҳам қўрсатилган ОТМ талабаси экани текширилади. Агар талабгорнинг исми-шарифи ОТМ талабалари рўйхатидан чиқмаса, ҳужжати қайтарилади. Ўқишни кўчиришда талабанинги доимий яшаш жойи ҳам инобатга олинади. Яъни талабгорнинг ўқиши, биринчи навбатда, доимий яшаш жойидаги йўналтирилган мос ОТМга кўчирилади. Агар у доимий рўйхатда турган ҳудудда йўналишига мос ОТМ бўлмаса, юртимиздаги мос келувчи бошқа университетга ўтказилади.

АКАДЕМИК ҚАРЗДОРЛИК МАСАЛАСИ

Қўшни давлат ОТМларида ўқиётган ёшларимизнинг барчаси аъло баҳоларга ўқияпти, дея олмаимиз. Турли сабаблар билан ўқишдан четлатилган ёки академик таътил берилган бўлса, Олий таълим муассасалари талабалари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўра, талаба академик қарздор сифатида ўқишга қабул қилинади. Талаба қайси ОТМга ўқишни кўчирган бўлса, ўша ОТМда жорий семестр давомида академик қарздорликни бартараф этиши мумкин.

Қабул 15 февралгача давом этади ва натижалар жорий йилнинг март ойига қадар эълон қилинади.

Россия Федерацияси, Украина, МДХнинг бошқа мамлакатлари, хорижий давлатларда таҳсил олаётган талабалар эса, амалдаги тартибга қўра, ҳудудий ишчи гуруҳларга 2020 йил 15 июлдан 5 августга қадар мурожаат қилишлари мумкин.



“НАВОЙНИНГ ВАТАН ЯНГЛИГ ҚИЁСИ ЙЎҚ...”

Бошланғич 1-бетда

— Ҳазрат Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги намунали фаолиятини Ватанимизнинг бугунги оламшумул ўзгаришлари билан муқояса қилганимизда, Президентимиз ташаббуси билан Алишер Навоий орзу қилган эзгу ва омижаноб инсоний гоҳларнинг амалдаги рўёбини кўраемиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шoirи Сирожиддин Саййид. — Биргина Адиблар хиббонидоги янги қурилишлари олайлик. Адиблар хиббони эндиликда Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий мажмуа ҳосил қилиши учун ишлаб чиқилган янги лойиҳа асосида сажиз гектардан зиёд ҳудуд қайтадан таъмирланиб, янада кўркам ва мутаносиб қиёфа касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқинда ушбу Адабиёт боғига ташриф буюриб, у ерда қурилган улғу адибларимизнинг ҳайкаллари ёнида лавҳалар ўрнатиб ҳамда аудиоёзувлар орқали ҳар бир

Ашраф ШАРИФИЙ, Афғонистондаги Форёб университетининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси:



Ҳазрат Алишер Навоий ижоди ўзбек адабиётининг чўққисидир. Назму насрда ҳали ҳеч ким бу қадар донг таратмаган. Асарлари табиат, музика, луғатшунослик, боринги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани алоҳида эътиборга молик. Шу боис Навоий ижоди афғон халқи томонидан таълимнинг барча босқичларида катта қизиқиш билан ўрганиб келинапти.

Бугунги издиҳомда қатнашганимиз биз учун катта шараф. Бу каби маданий, адабий алоқалар ўзбек ва афғон халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

адиб ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тadbирлар ўтказиш учун қўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали гумбазини безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адиблар хиббони ва Алишер Навоий ҳайкали жойлашган ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида чўқур мазмун бор. Навоий бобомиз ҳайкалига ёндош Адиблар хиббони, “Тошкент сити”нинг осмонўпар миноралари, шаҳар ичра янги замонавий шаҳар, иккинчи ёнда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги 9 гектар майдонда океанариум, ўн минг кишига хизмат қиладиган замонавий истироҳат боғи бунёд этилиб, барчани хайратта соладиган меъморий ва маънавий мўъжизалар яратилмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий шеърини нафақат ўзбек халқи, балки бутун туркий миллатлар учун ижодий тафаккур намунасидир. Улғу мутафаккир ўз даврида туркий тилининг ҳеч қайси тилдан кам эмаслигини маҳорат билан намоён қилиб, инсонпарварлигини тараннум этган. Бобомизнинг ҳай ҳаётини меъморий ҳажми ва мазмун кўламага кўра, асарлар оша бир халқ адабиёти сарҳадларидан ошиб, аллақачон умумбашарият мулкига айланган.

Буни тантанали тadbирда иштирок этган озарбайжонлик таниқли навоийшунос олим, халқаро Бобур муқофоти соҳиби Рамиз Аскар, афғонистонлик шoir ва адабиётшунос Тошқин Баҳрий, моҳир шoir ва таржимон Николаи Ильин ва бошқалар алоҳида таъкидлади.

Маросим иштирокчилари улғу шoir ҳайкали пойига гуллар кўйди.

Тadbирда Навоий газалларидан намуналар ўқилди. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Олий адабиёт курси талабалари Алишер Навоий ҳақида туркий тилда адабиётшуносларнинг фикрларини еддан айтиб берди. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев Навоий газалига Омон Матчон мухаммас боғлаган кўшиқни ижро этди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайридин Султонов иштирок этди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг серкира ижодиёти, самарали умр йўли буткул инсонпарварликка, халқнинг мушкуллари осон қилиш, мамлакат тинчлигини сақлаш ва ободлигини таъминлашга қаратилгани, эл-юрт осойишталиги ва бирдамлигини сақлаш учун ўзининг азали орузидан воз кечгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Бу фикрлар Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусида

ўтказилган халқаро илмий-назарий анжуманда ҳам алоҳида таъкидланди.

Бу йил туртинчи мартаба ташкил этилган конференцияда Озарбайжон, Туркия, Россия, Тожикистон сингари дунёнинг ўндан ортқ давлатидан келган навоийшунос олимлар ўз маърузалари билан қатнашиб, улғу бобомиз илмий-ижодий меросининг туркий халқлар маданияти ва тарихида тугган ўрни, бугунги авлодда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритди.

Байрам шукуҳи шу кун пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат адабиёт музейи олдидоги шoir ҳайкали пойига кўчди. Улғу бобомизнинг ижодга иштиёқи баланд авлодлари иштирокидаги мушоира меҳмонлари мезбонларни бирдек ҳайратлантирди.

Мутафаккир аждодимиз таваллуд санасига бағишланган тadbирлар юртимизнинг барча гушларидоги — шаҳару қишлоқларда қизгин давом этмоқда.

Мухторжон ШОКИРОВ, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, подполковник:



Кутубхонамизда Алишер Навоий асарлари бурчаги ташкил этилган. Ҳафтанинг чоршанба кунлари маънавият соатларида ҳарбий хизматчилар бобомизнинг маърифий ўғитларини ўрганади. Ватан ҳимоячиси қуролни маҳорат билан ишлата билиш баробарида, юксак маънавият эгаси ҳам бўлиши зарур. Шу мақсадда ҳарбийларнинг оилавий муҳитига ҳам Навоий ўғитларининг мусоффо руҳини олиб киришга ҳаракат қиляпмиз.

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорлигида тadbир қўрилганда музокара ва рисола, халқимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига тугган муҳим ўрнини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этишга хизмат қилган юзлаб илмий-экспедициялар...

Илм-фанда бу қадар салмоқли натижаларга эришиш ҳамма олимга ҳам насиб этавермайди. Тolle қилиб боққан инсонларга эса барча ҳавас қилади. Айниқса, ёшлар уларга ўхшашга интилади. Бирок бундай муваффақиятга эришиш учун илм-фанга қизиқиш ва ўз соҳасининг моҳир

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН

ИЛМИ ВА УМРИДАН ХАЗИНА ТОПГАН ОЛИМ

Баҳор ХИДИРОВА

Мамлакатимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган улғувор ғоя асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам кўйди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борадаги дастурий мақсадлар ҳақида тўхталиб, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини юксалтириш, йигит-қизларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларда ташаббускорлик, фидойилик, яратувчилик каби эзгу фазилатларни шакллантириш жамият олдидаги ўта шарафли вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Бу эзгу орзулар рўёбга чиқиши учун асрлар оша яшаб келаётган бой маънавий-маърифий меросимизни халқимиз, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш билан бирга, турли соҳалардаги фидокорона меҳнати билан юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб улғу қўшган замондошларимизнинг шарафли ва машаққатли ҳаёти йўлини, илмий-ижодий фаолиятини ёритиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

ЎТМИШНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТИШ САНЪАТИ

Олимлар археология илмини “Ўтмишни қайта кашф этиш санъати”, деб таърифлайди. Таниқли қадимшунос олим Баҳодир Турғунов фаолиятига назар солсак, бу эътироф ҳақиқат эканини англаймиз. Олим қарийб олтинчи йиллик илмий фаолияти мобайнида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон илм-фани тарихида кўпга ноб қашфётлари билан янги саҳифа очди. Қушон империясининг олтин хазинаси, Холчаён ҳайкаллари, дунёдаги энг қадимий шахмат доналари, буддизмга оид ўттиздан ортқ ноб ҳайкаллар, қадимий юнон алифбосида битилган Айритом пиромони каби ноб топилаётган асосида тарих, археология, санъат тарихи буйича 250 дан ортқ илмий-оммабол китоб ва мақолалар ёзди. Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси раҳбари сифатида юздан зиёд илмий-археологик изланишларга бош-қош бўлди.

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорлигида тadbир қўрилганда музокара ва рисола, халқимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига тугган муҳим ўрнини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этишга хизмат қилган юзлаб илмий-экспедициялар...

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ёдгорлигида тadbир қўрилганда музокара ва рисола, халқимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига тугган муҳим ўрнини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этишга хизмат қилган юзлаб илмий-экспедициялар...

БЕДОР УТГАН УМР

Дунёни хайратга солган ўнлаб археологик кашфётлар, уллар ҳақида битилган улғу илмий-оммабол мақола ва рисола, халқимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига тугган муҳим ўрнини жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этишга хизмат қилган юзлаб илмий-экспедициялар...

мутахассиси бўлиш кифоя қиладиган асрлар оша яшаб келаётган бой маънавий-маърифий меросимизни халқимиз, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш билан бирга, турли соҳалардаги фидокорона меҳнати билан юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб улғу қўшган замондошларимизнинг шарафли ва машаққатли ҳаёти йўлини, илмий-ижодий фаолиятини ёритиб бориш долзарб аҳамиятга эга.



Суратда: археолог олимлар Ш.Пидаяев, К.Като, Э.Ртвеладзе, Б.Турғунов

йил елкама-елка ишлаган шоғирдларидан бири, Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти етакчи мутахассиси, архитектура фанлари буйича фалсафа доктори Акмал Улмасов савабларимизга жавобан кўйидагиларни сўзлаб берди: — 1968 йилда Далварзинтепа шаҳристонига марказида буддавийлик ибодатхонасидан Будда ҳайкаллари топилади. Бу пайтда қоронғи тушиб қолган эди. Ҳайкаллар анча катта, илмий базани тунда олиб борилса, улларга шикаст етиши мумкин эди. Агар топила шу ҳолатда қолдириб кетилса, маҳаллий аҳоли вакиллари биллиб-билмай улларни синдириб қўйиши мумкин. Шундай вазиятда Баҳодир Турғунов ва бошқа олимлар топилаётган устида галма-галдан туни билан набатчилик қилиб чиққан.

1972 йилнинг 25 сентябрида қазилмаларнинг бириндан олтин тула кўза топилади. Бу ноб хазина зодагон оилага тегишли уйлари биллиб-билмай улларни синдириб қўйиши мумкин. Шундай вазиятда Баҳодир Турғунов ва бошқа олимлар топилаётган устида галма-галдан туни билан набатчилик қилиб чиққан.

2019 йил 23 — 27 август кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият” маданий мерос ҳафталиги доирасида ташкил этилган кўрғазмада бу нодир ашёлар ҳам халқимизга намойиш этилди. Ушбу тadbирга табарруқ 80 ёшли олим ҳам тақдир этилди. У босиб ўтган ҳаёт йўли, илмий изланишлари ҳақида журналистларга сўзлаб берди. Ушбу тadbирда олим илм-фанга қўшган ҳиссаси кенг тарғиб этилганидан чеқис қувонди.

Бугун домла ораимизда йўқ. Бирок қарийб олтинчи йиллик илмий фаолиятига оид илмий монография, ҳаммуаллифликда бир қанча китоблар, кўпга ноб илмий мақолалар олимдан мерос бўлиб қолди.

ТУРНИР

“КАТТА ДУБУЛГА” ЯКУНЛАНДИ

Абдулхай ЮНУСОВ

Франциянинг Париж шаҳрида дзюдо буйича “Катта дубулга” туркумига кирувчи мусобақа поёнига етди. Дунёнинг беш китъаси — 121 мамлакатидан ташриф буюрган 740 нафар полвон нафақат голиблик, балки Токио Олимпиадаси йўлланмаси учун муҳим очколарни берувчи рейтинг балларни кўлга киритиш илминдаги гиламга чиқди.

Бахсларда Ўзбекистон шарафини 14 нафар дзюдочимиз ҳимоя қилди. Мусобақаларнинг илк кунда -73 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан ҳамюртимиз Ҳикматиллох Турраев шоҳсупага кўтарилди. У ярим финалгача дастлаб ботсваналик рақибини, иккинчи даврада Озарбайжон вакилини, учинчи даврада эса Рио Олимпиадаси чемпиони италиялик Фабио Базильени доғда қолдирди. Чорак финалда мўғилстонлик Цағбатар Ценд-Очирга қарши бахс Турраев учун муваффақиятсиз якунланди. Аммо вакилимиз ўтиш босқичида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони



тожикистонлик Сомон Махмадбековни мағлубиятга учратиб, шоҳсупа сари йўлини давом эттириш имкониятини кўлга киритди. У бронза медалга учун кечган беллашувада туркиялик Биал Чилолунни 10 сонияда мағлуб этди ва Токио Олимпиадасида катнашиш учун ўз ҳисобига 500 рейтинг очкосини кўшиб қўйди.

Шарофиддин Болтабоев -81 килограмм вазн тоифасида чорак финалда амалдаги жаҳон чемпиони, рейтинг пешқадами исроиллик Саги Муқини, ярим финалда эса япониялик Сотаро Фиживарани мағлубиятга учратди. Афсуски, финалда бельгиялик Маттиас Касега қарши кечган беллашувада имкониятни бой берди, кумуш медал билан кифояланди ва 700 рейтинг очкосига эга бўлди.

Қамолдин Расулов бронза медал учун кечган бахсда япониялик рақибига ютқазиб қўйди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси турнирни 1 та кумуш, 1 та бронза медал билан якунлади.